



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 9 май, № 93 (9264)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЕТАКЧИЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни амалий ташриф билан Москвага келди.



“Внуково” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири ўринбосари Михаил Галузин ва бошқа расмий шахслар кутиб олди. Москва шаҳридаги тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини аввалги олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида янада кенгайтириш ва мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Узаро савдо ҳажми барқарор ошиб бораётгани, саноат, энергетика, металлургия ва бошқа тармоқларда лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилётгани мамнуният билан қайд этилди.

president.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ДУНЁДАГИ ЭНГ УЛУФ ВА ШАРАФЛИ ИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни пойтахтимиздаги Ғалаба боғига ташриф буюрди.

Иккинчи жаҳон урушининг туганишига қарий 81 йил бўлди. Шунча вақт ўтса-да, урушнинг аччиқ тарихи, у олиб келган мислсиз кулфат ва мусибатлар инсоният хотирасидан ўчгани йўқ. Аксинча, бу мудҳиш хотиралар бизга тинчлик ва осойишталик нақадар бебаҳо неъмат эканини доимо эслатиб туради. 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни замирида ана шундай моҳият мужассам.

Давлатимиз раҳбари Ғалаба боғида ушбу сана муносабати билан ташкил этилган хотира маросимида иштирок этди.

Анъанага мувофиқ, Президент Шавкат Мирзиёев “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди. Мазкур муваззам обида урушда халқимиз чеккан азоб-уқубатлар, матонат ва йўқотишларнинг ифодасидир.

— Бугун орамизда соғ-саломат яшаб келаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, барча нурунийларимизга алоҳида меҳримиз, эҳтиромимизни изҳор этамиз. Ушбу мажмуа буюк ғалабага муносиб ҳисса қўшган кўп миллатли халқимизнинг жасорати ва қаҳрамонлигини тарангунм этакдан табаррук маскан, десак, тўғри бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Маълумотларга кўра, фашизмга қарши қонли жангларда ўша пайтда 6 миллион 800 минг нафарни ташкил этган аҳолимизнинг 1 миллион 950 минг нафари иштирок этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 50 мингдан ортиги қонқалбларда мислсиз қийноқ ва азоблар туфайли ҳалок бўлган, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтган.

Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан 214 мингга яқини жанговар

орден ва медаллар билан мукофотлангани уларнинг жасоратидан далолат беради.

Мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустақам таъминот базасига айланган, жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, кийим ва озиқ-овқатлар етказиб турилган. Ғоят оғир шароитга қарамай халқимиз уруш ҳудудларидан кўчириб келинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонларни, жумладан, ота-онасидан жудо бўлган 250 минг нафар етим болани ўз бағрига олиб, меҳр кўрсатган.

Тадбирда Ўзбекистон Қуролли Кучлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ва нурунийлар ҳам иштирок этиб, мазкур ёдгорлик пойига гуллар қўйди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ғалаба боғидаги “Миллат фидойилари” хиёбонида ҳам бўлиб, мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хотирасига хурмат баҳо келтирди.

— Бир йил олдин мана шу ҳудудда “Миллат фидойилари” мажмуасини барпо этганимиз, албатта, бежиз эмас. У Ватан ҳимояси ҳар бир авлоднинг муқаддас иши экани, ватанпарварлик анъаналари давомийлигини эслатиб туради, — деди Президентимиз.

Мажмуада мустақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги, эл-юртимиз тинчлиги йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган 196 нафар ҳарбий хизматчи ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг номлари муҳрлаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари ота-оналарга шундай баҳодир, доворак фарзандларни дунёга келтириб, ҳақиқий

ватанпарвар этиб тарбиялагани учун чуқур миннатдорлик изҳор этди.

Халқимиз навқирон ёшда душманга қарши ўзини қалқон қилган бундай фидойи қаҳрамон ўғлонларимизни ҳеч қачон унутмайди. 2025 йилнинг ўзида бу мажмуани 650 мингга яқин юртдошимиз ва хорижий меҳмонлар зиёрат қилган.

Бу ерда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, тарих, ватанпарварлик, “Келажақ соати” дарслари ўтказилмоқда. Бундай ишлар, маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга ва уларни давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Жорий йил буюк Амир Темури бобимизнинг 690 йиллик таваллуд санаси юртимизда, чет элларда кенг нишонланяпти.

Соҳибқирон бобимизнинг давлатчилик, жасорат ва қаҳрамонлик машъаласи бугун ҳам порлаб турибди. Бу улғу анъанани жасур аскар, офицер ва генералларимиз муносиб тарзда давом эттирмоқда. Улар бизнинг катта бойлигимиз, Ватанимизнинг ишончли ва мустақам қалқонлари экани таъкидланди.

— Бугун бу ерда саф тортиб турган “Темурбеклар мактаблари” ўқувчилари, мард ҳарбийларимиз тимсолида Алпомиш, Манғуберди ва Амир Темуриларнинг янги авлодини кўрамиз. Буюк аждодларимизнинг бой мероси, илм ва тажриба мактаби нафақат музейларимиз, балки қалбимизга ҳам қайтмоқда. Бамисоли улар қайта тирилиб, Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессанс пойдеворини биз билан бирга барпо этмоқда. Ўзбекистондаги Исломи цивилизацияси маркази, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасини бориб кўрган ҳар бир одам бунни чуқур хис этади, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни кутлуғ айём — Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк ғалабанинг 81 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу унутилмас кунда, аввало, жанг майдонларида тенгсиз жасорат кўрсатиб, инсониятни фашизм балосидан халос этишга муносиб ҳисса қўшган қаҳрамон ота-боболаримизнинг сўнмас хотираси олдида бош эгиб таъзим қиламиз. Бугунги кунда орамизда соғ-омон яшаб келаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, нуруний отахон ва онахонларимизга юксак эҳтиромимизни изҳор этамиз.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини сақлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида мардларча ҳалок бўлган азму шижоатли ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотирасини меҳр ва ҳурмат билан ёдга оламиз.

Мухтарам дўстлар! Эл-юртимиз фашизмга қарши курашда дунёдаги барча тинчликсевар халқлар билан бир сафда туриб, буюк ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, гурурлансак арзийди. Тарихий маълумотларга кўра, фашизмга қарши урушда ўша даврда 6 миллион 800 минг кишидан иборат бўлган республикамиз аҳолисининг 1 миллион 950 минг нафари иштирок этган.

Шундан ярим миллиондан зиёд киши жанг майдонларида ҳалок бўлиб, 158 мингдан кўпроғи бедарак йўқолган,

60 минг нафардан ортиқ ватандошимиз эса ногирон бўлиб қайтган. Орадан шунча йил ўтган бўлса-да, бу аянчли рақамлар қалбларимизни ҳали ҳам изтиробга солади.

Уруш даврида 214 минг нафар ўзбекистонлик аскар ва офицерлар жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган бўлса, уларнинг 301 нафари энг олий нишон — Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, 70 нафар юртдошимиз эса учала даражадаги “Слава” ордени билан мукофотланган.

Уша оловли йилларда халқимиз “Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!” деб кечаю кундуз буюк сафарбарлик руҳи билан яшади. Ўзбекистон фронтнинг мустақам таъминот базасига айланди. Инсонпарварликни буюк қадриятга айлантирган халқимиз уруш ҳудудларидан кўчириб келтирилган 1 миллион 500 мингдан ортиқ инсонларга, жумладан, ота-онаси ва оиласидан жудо бўлган 250 минг нафар болага бошпана бериб, уларга меҳр-оқибат кўрсатди.

Қадрли юртдошлар! Голиб ва музаффар ота-боболаримизнинг Ватанимиз озодлиги ва халқимиз осойишталиги ҳимояси йўлидаги ибратли фаолиятини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш бўйича биз кўплаб ишларни амалга оширмоқдамиз. Айниқса, кейинги йилларда Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғи ҳамда унинг таркибидаги “Хотира нури” ва “Миллат фидойилари” ёдгорлик комплекслари халқимиз учун табаррук масканларга айланиб бормоқда.

Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш, хусусан, уруш ва

меҳнат фахрийлари, кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлом ва мазмунли ҳаёт кечирishi учун зарур шароитлар яратишга қаратилган ишларимиз изчил давом эттирилмоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, жорий йилда байрам муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 30 миллион сўм миқдорига пул мукофотлари берилганини таъкидлаш лозим. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари, меҳнат фахрийларининг саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни санаторийлар, дам олиш масканларига бепул ва имтиёзли асосда юбориш бўйича самарали тизим фаолият кўрсатмоқда.

Ушбу мунаввар айём кунларида жойлардаги ҳокимликлар, жамоатчилик ва ёшлар вакиллари уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг хонадонларида бўлиб, оила аъзоларининг ҳолидан хабар олиб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз бўйлаб “Бурч, жасорат, матонат!” шиори остида хотира маросимлари, маданий тадбирлар, уч авлод учрашувлари, оммавий спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Қадрли юртдошлар! Бугунги ғоят таҳликали замоннинг ўзи барчамиздан жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳитини янада қадрлаб яшашни талаб этмоқда.

Ҳеч қачон унутмайлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, барча

ютуқ ва ғалабаларимизнинг мустақам асоси.

Ҳозирги мураккаб даврда Ватанимиз мустақиллигини, халқимиз осойишталигини асраш, иқтисодий кудратимиз, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш, жаҳон ҳамжамияти, аввало, кўшни давлатлар билан ҳамкорликни кучайтириш, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда. Ишончим комил, бу борада 81 йил олдин ғалаба байроғини жаҳон узра баянлаб кўтаришга муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг, халқимизнинг мардлик ва матонат мактаби бизга мададкор куч бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, фашизм балосини бартароф этишда жонбозлик кўрсатган қардош халқларни, барча эзгу ниятли инсонларни бугунги шонли байрам билан самимий табриқлаб, уларга барқарор тараққиёт ва фаровонлик тилаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни, ҳурматли фахрийларимизни, бутун эл-юртимизни яна бир бор чин дилдан кутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик ва хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

Меҳнаткаш ва донишманд халқимиз ҳамisha омон бўлсин! Эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватласин!

Хотира ва Қадрлаш айёми барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЭЛЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизга янги тайинланган Япониянинг Фавқулодда ва мухтор элчиси Кэндзи Хирата билан учрашув ўтказди.

Мулоқот

Парламент юқори палатаси раҳбари Кэндзи Хиратани ушбу юксак лавозимга тайинлангани билан самимий табриқлаб, унинг бой дипломатик тажрибаси Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик ҳамда стратегик шериклик муносабатларини янада мустақамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани, давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли икки томонлама ҳамкорлик сифат жи-

ҳатдан янги босқичга кўтарилгани алоҳида қайд этилди.

Эришилган келишувларнинг амалий ижросини таъминлаш, парламентлараро шерикликни янада фаоллаштириш, ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ҳудудлараро алоқаларни кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Учрашувда савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, маданий-гуманитар алмашинуви фаолаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.



9 май — Хотира ва Қадрлаш куни



Халқимизнинг асрлар оша сайқал топиб келаётган бетакрор қадрият ва анъаналари бор. Утганларни хотирлаш, тирикларни эъзозлаш, инсон қадрини улуғлаш миллий маънавиятимизнинг ана шундай юксак мезонларидан. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши даврида жанг жадал майдонларида мислсиз жасорат ва матонат намунасини кўрсатган, фронт ортида машаққатли меҳнат қилган юртдошларимизга эҳтиром кўрсатишдек эзгу анъаналарда чинакам бағрикенглик, инсонпарварлик янада ёрқин намоён бўлади.

Президентимизнинг 2026 йил 16 апрелдаги “9 май — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги эзгу ишларни янги босқичга кўтарди. Унга мувофиқ, жорий йилда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 30 миллион сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти ажратилиши белгиланди. Жойларда “Бурч, жасорат, матонат” шиори остида турли маданий-маърифий тадбирлар, “уч авлод учрашувлари”, тасвирий санъат кўргазмалари, ижодий кечалар, танловлар ва оммавий спорт мусобақалари ўтказилмоқда.



ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ — ДУНЁДАГИ ЭНГ УЛУҒ ВА ШАРАФЛИ ИШ

Кайд этилганидек, Ватанни ҳимоя қилиш — давлат ва халқ учун ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган масала. Бу барчамиз учун — муқаддас ва буюк бурч. Айниқса, бугунги ўта таҳликали замонда бу ўн қарра, юз қарра долзарб бўлиб бормоқда.

Жорий йил Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги катта тантана билан нишонланади. Ушбу улғу сана "Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз" деган эзгу шир асосида кутиб олинаётгани замирида, албатта, чуқур маъно бор.

— Бугун яқин-атрофимиздаги минтақаларда бўлаётган қарама-

қаршилиқ ва уруш-жанжалларни кўриб турибмиз. Мана шундай мураккаб вазиятда миллий бирлик ва ҳамжиҳатлиқни сақлаш — энг катта куч, энг катта бойлик эканини ҳаётнинг ўзи яна бир бор тасдиқламоқда. Ватанни ҳимоя қилиш — дунёдаги энг улғу ва шарафли ишдир. Бу ҳақиқатни чуқур англаб, ҳарбий қасамёғига доимо содиқ бўлиб келаётган ботир ва довурак ўғлонларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди, — деди давлатимиз раҳбари.

"Миллат фидойилари" хиёбони кечаю кундуз жасорат овози янграб турадиган, тинчлик учун курашга чорлайдиган кутлуг маскан бўлиб

қолиши, минглаб, миллионлаб Ватан посбонларини тарбиялашга хизмат қилиши таъкидланди.

Ватан олдидаги бурчини адо этиш чоғида қахрамонларча ҳалок бўлган ўғлонларимизнинг оила аъзолари ва фарзандларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини зиёрат қилиб, байрам билан табриқлади.

Давлатимиз раҳбари Қуролли Кучлар Бош ҳарбий клиник госпиталида Акмал ота Акрамов, Вера

Журавская, Ҳасанбой ота Халматов ва Владимир Алексеевков билан дилдан суҳбатлашди. Нуронийларнинг ҳол-аҳволи ва саломатлиги билан қизиқди. Уларнинг машаққатли ҳаёт йўли ҳамда кўрсатган жасоратларини алоҳида эътироф этди.

— Сизлар тарихнинг жонли гувоҳи, матонат тимсолисизлар. Сиздек табаррук инсонлар билан учрашиш, ўғитларингизни тинглаш бизга катта маънавий куч бағишлайди. Халқимиз сизлар билан ҳақиқат равишда фахрланади. Бугунги тинч ва озода кунлар, авлодларнинг бахтиёр истиқболи сизларнинг мислсиз фидокорлигингиз маҳсули-

дир. Сизларнинг ибратли ҳаёт йўлигиз ёшларимиз учун ҳақиқий матонат мактабидир, — деди Президент.

Президентнинг жорий йил 16 апрелдаги қарорига мувофиқ, уруш ва меҳнат фахрийларига юксак даражада эҳтиром кўрсатилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти фахрийлари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари давлатимизнинг доимий ғамхўрлигида. Уларга моддий ва маънавий кўмак бериш бораборида саломатликларини тиклаш учун республикамизнинг энг яхши

санаторийларига имтиёзли йўлланмалар ажратилган.

— Яратган сизларга ватанпарварлик ва фидокорона меҳнатингиз муқофоти сифатида узоқ умр, эл-юрт ардоғида яшаш бахтини ато этган. Сизларнинг дуоларингиз юртимиз учун омонлик, ишларимизга баракадир, — деди Президентимиз.

Учрашувда нуронийлар юртимизда тарихий хотирани тиклаш, кексаларни эъозлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Зиёдулла ҚАНИБЕКОВ, Икром АБВАЛБЕКОВ, ЎЗА мухбирлари.

ЭЛЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

Олий Мажлис Сенати Раиси Япония элчиси жорий йил 14-15 май кунлари Бухоро шаҳрида ўтказилган Осиё хотин-қизлар II форумига таклиф қилди. Шунингдек, мартабали меҳмонга жорий йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган Ёш парламент аъзоларининг 12-глобал конференцияси ҳақида маълумот берилди.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга тайёр эканини тасдиқлади.

Анонс

БУХОРО ОСИЁ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ МУЛОҚОТ МАЙДОНИГА АЙЛАНМОҚДА



Жорий йилнинг 13 — 15 май кунлари кўҳна ва навқирон Бухоро шаҳрида Осиё хотин-қизлар II форуми ҳамда унинг доирасида Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбайжон етакчи аёллари мулоқотининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтади.

Мазкур нуфузли анжуман турли мамлакатлар парламент аъзолари, олимпиа ва тадбиркор аёллар, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда гендер масалалари бўйича экспертларни бир майдонга жамлайди. Форумнинг асосий мақсади хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича илғор тажрибаларни муҳокама қилиш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат.

Форум доирасида иштирокчилар Бухоро вилоятидаги тадбиркорлик ва касб-ҳунар марказлари, йирик sanoat корхоналари, IT-парк, ижтимоий соҳа муассасалари, намунали маҳаллалар ҳамда ноёб маданий мерос объектлари фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАР МУКАММЛЛАШАДИ



Олий Мажлис Сенатида "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси"ни қайта кўриб чиқиш ҳамда унинг мақсадли индикаторларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган ишчи гуруҳ ййгилиши бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенатида

Унда Президентимизнинг 2026 йил 16 февралдаги фармони билан белгиланган вазифалар ижроси доирасида стратегиянинг устувор йўналишлари ва мақсадли кўрсаткичларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ишлаб чиқилган тақлифлар давлат томонидан рағбатланишига қўлдош бўлиши шарт. Шунингдек, тақлифлар, жумладан, БМТнинг "Аёлларга

нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида"ги конвенцияси, Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳамда миллий қонунчилик нормалари асосида шакллантирилган.

Муҳокамада хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, STEM ва юқори технологиялар соҳаларида аёллар улушини ошириш, инновацион фаолиятни қўллаб-қув-

ватлаш, шунингдек рақамли иқтисодиётда гендер мувозанатини таъминлаш мамлакатнинг барқарор ва рақобатбардор ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши алоҳида айtilди.

Хусусан, 2030 йилга қадар давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашида хотин-қизлар улушини кўпайтириш, миллий кадрлар захирасида аёллар иштирокини кенгайтириш, STEM соҳаларида таълим олаётган қизлар улушини ошириш ҳамда IT соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизлар сонини сезиларли даражада кўпайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгилаш тақлиф этилди.

Тадбирда иштирокчилар томонидан билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида стратегиянинг мақсадли индикаторларини янада такомиллаштириш ҳамда уларни босқичма-босқич амалиётга жорий этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

МЎҒУЛИСТОН ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТОШКЕНТДА

Олий Мажлис Сенатида Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Анвар Тўйчиев Мўғулистон Буюк Давлат Хурали аъзоси, "Мўғулистон — Ўзбекистон" ҳамкорлик бўйича парламентларо гуруҳ раиси Сўхбаатар Эрдэнэбат бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Ҳамкорлик

Мулоқотда икки мамлакат ўртасидаги кенг қамровли шериклик алоқалари асрий дўстлик муносабатлар ҳамда ўзаро яқин савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликка асослангани таъкидланди.

Учрашув чоғида парламентларо алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Хусусан, парламентларо гуруҳлар фаолияти самарадорлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, аграр соҳада тажриба алмашиш ва замонавий ёндашувларни жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир

ТАЛАБАЛАР СЕНАТ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари ҳамда профессор-ўқитувчилари парламент юқори палатасига таширф буюрди.

Учрашув давомида талабаларга Сенатнинг асосий вазифалари, юқори палата фаолиятининг устувор йўналишлари, қонун ижодкорлиги жараёни ва сенаторларнинг ҳудудлардаги фаолияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбир доирасида Сенат девонининг Ахборот хизмати фаолияти ҳам алоҳида тақдим этилди. Талабалар парламент ҳаётини оммавий ахборот воситаларида ёритиш механизми, ахборот тайёрлаш жараёни, жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиш бўйича маълумотларга эга бўлди.

Шунингдек, Ёшлар парламентининг фаолияти, унинг навқирон авлод манфаатларини ифода этишдаги ўрни ҳамда турли ташаббусларни илгари суришдаги имкониятлари ҳақида тушунчалар берилди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

БОЖХОНА ТИЗИМИ: НАЗОРАТ, ТАҲЛИЛ ВА ТАВСИЯЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, муудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси томонидан божхона постлари фаолиятини ташикл этиш, жиомоний ва юридик шахслар учун яратилган шароитлар, товар ва транспорт воситаларини текшириш тизими ҳамда божхона расмийлаштирув жараёнлари "Яллама" чегара божхона пости мисолида назорат-таҳлил тартибиде ўрганилди.

Шунингдек, постларда қонунчилик талабларига риоя этилиши, хизмат интизоми, процессуал ҳаракатларнинг қонунийлиги ва шаффофлиги ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганишлар жараёнида кейинги йилларда божхона тизимида амалга оширилаётган рақамлаштириш ва автоматлаштириш ишлари амалий натижалар бераётгани кайд этилди. Хусусан, 2022 — 2025 йилларга нисбатан божхона расмийлаштирув жараёнларининг 4,5 баравар енгиллаштирилгани муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида таъкидланди. Бу ортқча қозғовозлик ва бюрократик тўсиқларни қисқартириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун вақт ҳамда маблағни тежаш, инсон омилини камайтириш орқали хизмат кўрсатиш сифатини оширишга кўмак бермоқда.

Ўрганишлар давомида божхона органлари фаолиятида 60 дан ортқ ахборот тизимлари жорий этилгани, 8 та давлат билан электрон ахборот алмашинуви йўлга қўйилгани маълум қилинди. Бу эса ташқи иқтисодий операцияларни онлайн кузатиш, хавфли юкларни олдидан аниқлаш, маълумотларни тезкор таққослаш ва таҳлил қилиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Гулчехра ТОҲИБОВА, кўмита аъзоси:



— Назорат-таҳлил доирасида "Яллама" постида қўлланилаётган замонавий техник воситалар фаолиятини ҳам ўргандик. Хусусан, радиация назорати қурилмалари, инсон танасини сканер қилувчи мосламалар, мобил инспекцион воситалар, автотарозилар ҳамда инспекцион-қўрик жамуалари орқали назорат жараёнлари тезкор ва аниқ амалга оширилаётгани маълум бўлди. Бундай технологиялар, албатта, инсон омилини камайтириш, шаффофликни таъминлаш ва хавфли ҳолатларни барвақт аниқлаш имкониятини яратди.

Ўрганиш натижасида соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, амалиётда учраётган айрим камчиликларни бартараф этиш масалалари атрофлича таҳлил қилиниб, тегишли тақлифлар ишлаб чиқилди.

Депутатлар, шунингдек, постларда хизмат кўрсатиш маданиятини янада ошириш, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, ҳодимларнинг маънавий мунтазам соҳаниб бориш, замонавий технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини кучайтириш бўйича ҳам тақлиф ва тавсиялар берди.

МАҲАЛЛА — ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси иш режасига мувофиқ, айни кунларда Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари кўмитасининг бир гуруҳ депутатлари Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлиб, маҳаллаларда аҳоли билан ишлаш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва жамоатчилик назоратини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишмоқда.

Ўрганишлар давомида "маҳалла етилиги" фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, "маҳалла етилиги"ни қўйиётган асосий муаммолар соҳа мутахассислари иштирокида муҳокама қилиниб, уларни бартараф этиш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, маҳаллалар томонидан аҳолига ажратилаётган имтиёз ҳамда кўмакларнинг самарадорлиги, жинс-этиклик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида рўёбга чиқарилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Депутатлар маҳалла фаоллари, нуронийлар, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари ва аҳоли вакиллари билан учрашиб, амалдаги қонунчиликни қўллаш жараёнида учраётган муаммолар ҳамда соҳани янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларни ўрганди.

Мулоқотларда маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкам-

лаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, давлат органлари билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда аҳоли муаммоларини жойида ҳал этиш механизмларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида ургу берилди.

Умида РАҲМОНОВА, кўмита аъзоси:



— Маҳалла — жамият кўзгуси, одамларнинг барча муаммоси шу ерда ҳал бўлади. Шу боис фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлашга эътибор қаратдик. Албатта, ўрганишлар якунлари бўйича алоҳида ййгилиш ўтқазиб режалаштирилган. Унда таҳлил натижалари муҳокама қилиниб, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНВЕСТИЦИЯ КОДЕКСИ

ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва sanoat масалалари кўмитаси томонидан "Инвестиция муҳитини такомиллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш: миллий амалиёт ва халқаро тажриба" мавзусида семинар ўтказилди. Унда депутатлар, қатор вазирлик ва идоралар, Инвесторлар Кенгаши аъзолари, халқаро компаниялар ҳамда ташкилотлар вакиллари қатнашди.



Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, сармоядорлар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, инвесторлар билан ишлашнинг яшил тизими жорий қилиниб, ишбилармонлар ҳуқуқларининг ҳимояси кучайтирилди. Қонунчилик базасининг мустаҳкамлаши ва инвесторларга қулай муҳит яратиши Ўзбекистоннинг инвесторлар учун жозибадор марказга айланишига хизмат қилмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2025 йилда иқтисодиётга 43,1 миллиард доллар миқдорда инвестиция жалб этилди. Улардан 17,3 миллиард доллар sanoat соҳаларига, 25,8 миллиард доллар минтақавий лойиҳаларга йўналтирилди. Ўтган йил учун минтақавий инвестиция дастури доирасида 12,8 миллиард доллар миқдордаги 9 900 лойиҳа амалга оширилди. Бу эса 150 миңдан ортқ иш ўринлари яратишга имкон берди.

Ўзбекистоннинг инвестиция соҳасидаги стратегияси ҳуқуқий базани модернизация қилиш, инвесторлар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва уларнинг бизнес юритиши учун шаффоф шароитлар яратишга қаратилган.

Семинарда юртимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ушбу йўналишларда ўзаро тажриба алмашиш масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, амалдаги норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, тадбиркорлар ва инвесторлар учун мавжуд тўсиқларни

бартараф этиш, юртимизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Янги Инвестиция кодекси лойиҳасининг ишлаб чиқиши бу йўналишда муҳим қадам бўлгани эътироф этилди.

Тадбир давомида иштирокчиларнинг мазкур лойиҳа юзасидан фикр-мулоҳазалари, тақлифлари тингланди. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЭСД), Инвесторлар Кенгаши аъзолари томонидан инвестицияларни жалб қилиш сиёсати ва инвесторларни институционал қўллаб-қувватлашдаги ушбу ўзгаришлар ижобий баҳолашиб, Кодекс лойиҳаси бўйича зарур тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Хусусан, Жаҳон банки вакили Пинар Яшар мамлакатимиздаги очиклик, қулай инвестиция сиёсати натижасида иқтисодиёт барқарор ўсиб келаётганини эътироф этиб, бу борада қонунчиликдаги ўзгаришларни алоҳида қўллаб-қувватлади. У Инвестиция кодекси лойиҳаси ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ислохотлар келгусида ўз самарасини беришига, янада қўллаб-қувватлашдаги ушбу ўзгаришлар ижобий баҳолашиб, Кодекс лойиҳаси бўйича зарур тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди.

Семинарда Ўзбекистон Марказий Осиёдаги чет эл инвесторлари учун энг истиқболли бозорлардан бири ҳисобланиши, уларга қулай шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани қайд этилди. Ушбу йўналишда парламентнинг ролини ошириш, қонунчиликни такомиллаштириб бориш, бу борада мунтазам парламент назоратини юритиш лозимлиги таъкидланди.

Сўз — иштирокчиларга

Бобур БЕКМУРОВО, Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва sanoat масалалари кўмитаси раиси:

— Мамлакатимизда инвестициявий муносабатларни тартибга солишга, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган қўллаб-қувватлаш ҳужжатлар бор. Уларнинг ҳаммасини тўғридан-тўғри амал қиладиган ягона қонунга бириштириб, Инвестиция кодексини қабул қилиш лозим бўлади. Ишонимизки, мазкур кодекс инвесторлар ҳуқуқларини кучайтириш, соҳадаги барча қоида, кафолат ва тартиб-таомилларни бир тизимга қилиб, инвестицияларни рағбатлантиришга хизмат қилади.



Сардорбек ТЕМИРОВ, Инвестициялар, sanoat ва савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Инвестиция кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Инвестициялар, sanoat ва савдо, Адлия, Иқтисодиёт ва молия вазирликлари ҳамда бошқа қатор идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар иштирок этди. Шунингдек, депутатларнинг тавсиялари ҳам жуда муҳим.

Кодекс лойиҳаси мамлакатимизда соҳани сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Унинг қабул қилиниши орқали инвесторлар, тадбиркорлар ва давлат манфаатларини мувофиқлаштирадиган ягона ҳуқуқий муҳитни шакллантиришга ҳисса қўшиши кутилмоқда.

«Халқ сўзи».

Охириги уч йилда пойтахт ва вилоят марказларига 2 650 та замонавий электробус ҳамда автобуслар олиб келинди. Брутто-шартнома асосида 279 та мунтазам йўналиш йўлга қўйилди.

РАСМИЙ ВАШИНГТОН ЎЗБЕКИСТОНГА ИСЛОХОТЛАРИ НАТИЖА БЕРАЁТГАН МАМЛАКАТ СИФАТИДА ҚАРАЙДИ

Нуфузли "Diplomatic Watch" халқаро таҳлилий платформасида "Янги Ўзбекистон: Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ислохотлар ун йиллиги" сарлавҳали мақола эълон қилинди деб хабар беради "Дунё" АА муҳбири.

Биз ва жаҳон

2016 йилда Ўзбекистон янги давлат раҳбари бошчилигида трансформация даврига қадам қўйди. Президент давлат ўз фуқароларига хизмат қилиши керак деган аниқ ғояни белгилаб берди. Орадан ўн йил ўтиб ушбу концепция "Янги Ўзбекистон" дастури сифатида шаклланиб, мамлакатнинг иқтисодий сиёсати, ижтимоий соҳаси, давлат бошқаруви тизими ва ташқи алоқаларини ўзгартириб, сезиларли натижаларни кўрсатди.

бу эса молиявий барқарорлик ва бошқарува ишонч орқиб бераётганини кўрсатади. Иқтисодий ўзгаришлар таркибий ислохотлар билан бирга олиб берилди. Хусусийлаштириш давлат корхоналарининг устунилигини пасайтириб, хусусий сектор иштирокини кенгайтирди. Экспорт ҳажми 33,4 миллиард долларга етди ва унинг таркибида хомашё эмас, балки юқори қўшилган қийматли товарлар улуши тобора ортиб бормоқда. Бу эса мамлакат янада рақобатбардор ва диверсификациялашган иқтисодиётга босқичма-босқич ўтаётганидан далolat беради.


турибди. Оналар ва болалар учун тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайгани туфайли соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам иқтисодий динамика кузатилаётган. Инститucional ислохотлар давлат тузилмаси ва фаолиятини ўзгартиришга қаратилди. "Маъмурий ислохотлар концепцияси" доирасида давлат хизматининг шаффофлиги, самарадорлиги ва ҳисобдорлигини ошириш чоралари кўрилди. Ваколатлар босқичма-босқич парламент ва маҳаллий ҳокимият органлари фойдасига қайта тақсимланмоқда, жумладан, вилоят ҳокимларининг тўғридан-тўғри сайловини жорий этиш кўзда тутилган. Суд-ҳуқуқ ислохоти судларнинг мустақиллигини мустахкамлаш ва фуқароларнинг одил судловга эришишини оsonлаштиришга қаратилган.

лик тезорар линиялар қуришни назарда тутаяди, бу эса мамлакат ичидаги боғлиқлик ва ҳудудий савдони яхшилайдди. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 85 миллиард киловатт-соатга етди, бунда қуёш энергетикасига киритилаётган сармоялар ҳажми ортиб бормоқда. Хонадонларда қуёш панелларини ўрнатиш учун субсидиялар ажратилиши марказлашган ва барқарор энергетикага ўтилаётганини кўрсатади. Шунингдек, 2030 йилгача мамлакатни минтақавий технологик марказга айлантириш ва жаҳон инновацион рейтингларида кучли 60 таликка кириш мақсад қилинган.

2016 йилда Ўзбекистон янги давлат раҳбири бошчилигида трансформация даврига қадам қўйди. Президент давлат ўз фуқароларига хизмат қилиши керак деган аниқ ғояни белгилаб берди. Орадан ўн йил ўтиб, ушбу концепция "Янги Ўзбекистон" дастури сифатида шаклланиб, мамлакатнинг иқтисодий сиёсати, ижтимоий соҳаси, давлат бошқаруви тизими ва ташқи алоқаларини ўзгартириб, сезиларли натижаларни кўрсатди.

ЖАРАЁН 3

Хафталик МЕДИАВАКИЛЛАР ЖАМ БЎЛГАН МАЙДОН



Ўзбекистон бўйлаб давом этаётган медиахафталик лойиҳаси ўзининг олтинчи нуқтаси — Навоий вилоятида шаклланган ва мазмунан янги юксалиши палласига кирди. Аввалги ҳудудларда тўпланган тажриба Навоийда ахборот майдонини сифат жиҳатдан қайта қуришга хизмат қилувчи муҳим платформа вазифасини ўтади.

Медиахафталик доирасида 50 дан зиёд матбуот котиблари ва ахборот хизмати ходимлари, 40 дан ортиқ давлат ва нодавлат телеканаллар муҳаррирлари, муҳбирлари, монтажчи ва тасвирчилари, 40 дан зиёд газета ҳамда интернет ОАВ вакиллари, 20 нафар маҳаллий блогер, 50 нафар мобилограф, 70 нафар SMM мутахассиси ҳамда контент яратишда қизиқайётган 170 нафар ёш қамраб олинди.

Бундан ташқари "ахборотни кутиш эмас, уни шакллантириш" тамойили устуворлик қилди.



«Дунё» АА. Вашингтон

Шунингдек, Навоийдаги хафталикнинг муҳим ютуқларидан яна бири медиамайдоннинг ёш ва мақом чегараларини бузиб ўтгани бўлди. Тажрибаси ярим асрдан ошган, 70 ёшдан юқори соҳа фахрийлари ҳам янги медиа технологияларни ўзлаштириб, ўз фаолиятлари учун янгиликлар яратиб олишди. Бу ижодий муҳитда катта авлоднинг бой тажрибаси ва ёшларнинг рақамли шижоати бир нуқтада кесишиб, соҳанинг узвий давомчилигини таъминловчи янги маданият шаклланди.

Навоийдаги медиахафталик яқундаги Аммо медиа майдонидagi бу ҳарорат ва сўбат тўхтамайди. Энди лойиҳа Бухорода янада ўзгача руҳ, янги аудитория ҳамда янада кучли медиа энергияси билан давом этади.

Навоийдаги тренингларнинг асосий фарқи тайёр қилинган вақт кечиб, вазиятга танқидий ва холис ёндашишга қаратилганида

ИККИ ВИЛОЯТНИ БОҒЛОВЧИ ТЕМИР ЙЎЛ



Тошкент вилоятида транспорт инфратузилмасини тубдан яхшилаш, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни мустахкамлашга қаратилган яна бир йирик стратегик лойиҳага шарт берилди. Тошкент — Сирдарё темир йўлининг рамзий қозғи қоқилишига бағишланган тадбир Нурафшон, Пискент, Бўка, Бекобод, Бобёвут ва Янгйер йўналишидаги ҳудудларни қамраб олиб, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ўртасидаги транспорт алоқаларини янги босқичга олиб чиқиши кутилаётган темир йўл тармоғининг қурилишини бошлаб берди.



Мазкур лойиҳа доирасида умумий узунлиги 111 километр бўлган янги электрлаштирилган темир йўл линияси барпо этилади. — Икки вилоят оралиғида тезорар

электрпоездлар ҳаракатининг йўлга қўйилиши аҳолининг кўп йиллик орауси эди, — дейди "Нуруний" жамғармаси Нурафшон шаҳри бўлими бошлиғи, шаҳар Кенгаши депутати Жўра Аҳмедкулов. — Мазкур лойиҳа доирасидаги қурилиш ишларининг кўлами ҳам салмоқли. Хусусан, 7,8 миллион кубометр тупроқ ишлари амалга оширилади. Шунингдек, битта тортиш подстанцияси, 3 та темир йўл станцияси, битта тўхташ пункти, 15 та кўприк, 14 та йўлқазғич ҳамда қатор суний иншоотлар қурилиши назарда тутилган.

Бунёдкорлик

Отабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи»).

ПИЛЛАЧИЛИКДА ЯНГИ ТИЗИМ

ЎЗБЕК ИПАКЧИЛИГИНИНГ ШУҲРАТИНИ ҚАЙТА ТИКЛАБ, ДОВРУҒИНИ ДУНЁГА ЁЙИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

Пиллачилик ва ипакчилик юртимизда қадим-қадимдан ривож топган муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Зотан, халқимиз ипак куртини етти ҳазинанинг бири, дега алоҳида эъзозлайди. Чунки марвариддек оппоқ пилла ҳам, шойи, атлас, адрес каби бежирим матолар ҳам табиатнинг мўъжизаси бўлган ипак курти маҳсулидан яралади. Фақат у пиллачининг қалб қўри, мислсиз меҳнати эвазига бунёд бўлади. Бироқ кейинги йилларда пилла етиштиришда замонавий технологиялар етарли даражада қўлланилмаётгани, ипак курти боқувчиларнинг моддий манфаатдорлиги пастиги касаначилар орасида ипак курти парвартиришга иштиёқни сўндираётгани, пиллачиликнинг шуҳрати эса пасайиб кетаётгани ҳам бор гап.

Аграр соҳа

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 6 мартда қабул қилинган "Ипакчилик соҳасини янги тизим асосида ривожлантириш ҳамда озуқа базасини мустахкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳа вакиллари қалбига умид учкунларини алангалатиб юборди, десак, мулобага эмас. Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатда пиллачилик соҳасини янги тизим асосида тубдан янгилашга қаратилган вазифалар белгилаб берилди.

— дейди уюшманинг Йиғма ахборот ва таҳлил бўлими бошлиғи Ўзатбек Отабоев. — Биринчиси, аҳолига субсидиялар, имтиёзли ссудалар ва компенсациялар мақоми аниқ вакиллар асосида белгилаш ва уларга солиқ имтиёзлари бериш, унчинчиси, янги тизорлар барпо этиш, томчилатиб суғоришни йўлга қўйиш орқали ипак курти озуқа базасини тизимли кенгайтиришдир. Мана шу учала йўналишдаги вазифалар узвийликда амалга оширилса, бунинг ижобий самаралари қисқа вақт ичида кўзга ташлана бошлайди.

Хўш, амалиётга жорий этилаётган янги тизимнинг одатдагидан фарқи ва афзал жиҳатлари нималарда кўринади? Бу ўзбек ипакчилиги доврўғини қайта тиклаш имконини берадими? "Ўзбекипаксаноати" уюшмасидан маълум қилишларича, "янги тизим" дейилганда, аввало, 2030 йилгача белгиланган бешта стратегик мақсад қамраб олинган вазифалар мажмуи тушунилади. Булар — пилла етиштириш ҳажмини 2026 йилда 30 минг тоннага, 2030 йилда эса 36 минг тоннага етказиш, экспортни 120 млн. доллардан 300 млн. АҚШ долларига чиқариш, 200 млн. туп туп кўчати экиш орқали озуқа базасини 45 фоизга ошириш, чуқур қайта ишлаш даражасини 2026 йилда 30 фоизга, 2030 йилда эса 75 фоизга кўтариш, шунингдек, ҳар йили камидан 500 минг мавсумий ва 50 минг доимий иш ўрни яратиш.

Саноат усулида етиштирилади Кўп йиллик тажрибадан маълумки, пилла етиштириш ўзига хос фаолият тури бўлиб, ипак курти тола ўраши учун алоҳида парвариши, доимий эътибор ва ғамхўрликни талаб этади. Шу боис яқин-яқингача одамлар мўъжизакор куртни ўз хонадонларида парвартиришга. Соҳада кластер тизимига ўтилган тўтзорлар яқинида намунавий ипак курти боқиш мажмуалари бунёд этила бошланган, пиллачиликнинг ташвиши бироз оsonлашгани ҳам айни ҳақиқат. Аммо бу ишлар охирига етказилмагани ортидан қишлоқ аҳлида пиллачиликка иштиёқ сустайди.



«Ўзбекипаксаноати» уюшмаси масъулларининг айтишича, кластерлар куртхоналар қурилишига маблағ топишда муаммага дуч келмайди. Чунки қарорда молиялаштириш схемаси аниқ белгиланган. Унга кўра, Енгил саноатни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан тижорат банклари орқали миллий валютада йиллик 14 фоиз ставкада (шундан 4 фоиз банк маржаси) 5 йил муддатгача кредит ажратилади.

Бундан ташқари, яна бир муҳим бўливи ечим ҳам тақлиф этилган. Бу ерда гап тугатилган Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитасидан қолган 10 млрд. сўм маблағ уюшма ҳисобварағига ўтказилиши ҳақида кет-

ҳамда ижтимоий солиқлардан озод қилинган бўлса, мавсумий ишчилар даромадидан солиқ ундирилмайдиган бўлди. Солиқ имтиёзлари шарофати туфайли ҳар бир пиллачилик кластери ихтиёрида 170 — 200 млн. сўмгача қолиши ҳисоб-китоб қилинмоқда. Тежалган ушбу маблағлардан унумли фойдаланиш мақсадида уюшма кластерлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради. Бундан ташқари, давлат томонидан ажратилган қўшимча молиявий манба сифатида 2026 — 2028 йилларда Енгил саноатни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан уюшмага ҳар йили ажратиладиган 5 млрд. сўм грант маблағлари ҳам соҳа истиқболига сарфланади.

Жорий мавсумдаги яна бир янгилик — мавсумий ишчилар иш ҳақининг 50 фоизи компенсация қилинишидир. Шу ўринда савол туғилиши аниқ, бу имтиёз соҳадаги барча мавсумий ишларга татбиқ этиладими? Уюшманинг бўлим бошлиғи Ўзатбек Отабоевнинг аниқлик киритишича, 50 фоиз компенсация пилла боқувчиларига эмас, балки уруғчилик корхоналарига ипак курти уруғларини тайёрлашга жалб қилинган мавсумий ишчиларга тааллуқли. Бунда компенсация ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориде берилади, лекин меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг икки бараваридан ошмайди.

Шу билан бирга, пилла етиштирувчилар ва касаначилар учун алоҳида рағбат механизми белгиланган. Янги кластер ҳақиқатда пилла учун тўлаб берган маблағларнинг 35 фоизи субсидия сифатида ажратилади. Бу субсидия "маҳалла еттилиги"нинг коллегал қарори асосида берилади. Шунингдек, ипак курти парвартириш зарур бўладиган асбоб-ускуна ва жиҳозларни харид қилиш учун касаначиларга 3 йил муддатга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари даражасида фоизсиз ссуда ажратилади. Шу тариқа пилла нархи тўлов тизими икки ёқлама ҳимояланади.

мида пасайиб келган. Бу каби салбий ҳолатга чек қўйиш мақсадида тўтзорларни барпо қилишда ҳам янги тизим қўлланилади. Натижада 2026 — 2030 йилларда ўрмон хўжалиги агентлиги балансидаги 3 минг гектар ер майдонига тўтзорлар ташкил этилиб, пилла етиштириш учун 6 минг камбағал оилага ажратилади. Янги оилавий пудрат шартномаси асосида 10 йил муддатга бепул ижарага берилади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, пилла кооперативлари аъзоси бўлган камбағал оилаларнинг бир нафар вақилига 4 млн. сўмдан бир мартралик субсидия тақдим қилиниб, пиллачилар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Тут аслида барака дарахти эканини кўпчилик билмас керак. У жой танламай, ҳар қандай ерда тўтиб кетавергани туфайли шундай ном олган. Ва тут — чиндан ҳам номига мос дарахт. Унинг барги ипак курти учун озуқа бўлса, меваси шифобахш нэмат саналади. Ёғочи, новдалари қурилиш, мебелсозликда қимматбаҳо хомашёдир. Хитойда эса унинг барра баргларидан чой олиш технологияси яратилганига нима дейсиз?!

Барака дарахти

Ипак курти 200 грамм тола ўраш учун 200 грамм барг ейиши илмий жиҳатдан аниқланган. Бошқача айтганда, бир қути ипак курти парвариши учун 1200 килограмм тут барги керак бўлади. Бунча баргини эса 25 сотихдаги туддан олиш мумкин экан. Англиядаги тармоқда, озуқа базаси мустахкамланиши зарур. Очиги, илгари тут плантацияларида тегишли агротехника тадбирлари ўз вақтида амалга оширилмагани, озуқа қиймати юқори бўлган тут кўчатларини экиш талаб даражасида ташкил этилмагани оқибатида дарахтлар туп сони, уларнинг ҳосилдорлиги йиллар даво-

Саид РАҲМОН («Халқ сўзи»).

БУРЧ – МУҚАДДАС, ЖАСОРАТ – МАНГУ



Биз ўн беш киши эдик...

Анорбой ЖАЛИЛОВ,
Иккинчи жахон уруши қатнашчиси,
педагогика фахрийси (Паркент тумани):

— Иккинчи жахон уруши тугаганига ҳам саксон бир йил тўлди. Яхши эслаймиз, бундан йигирма йиллар аввал ҳам уруш фахрийлари талайгина эди. Уларни ҳар бир туман ва маҳаллада уч-ратардик. Афсуски, вақт аямас, вақт кутмас экан...

1944 йил 21 октябрь куни 19 ёшимда Номданак қишлоғидан фронтга сафарбар этилдим. Дастлаб, Олмаота шахрига кўнрақ, у ердан Семипалатинск (хозирги Семей) шахрига бориб уч ой ҳарбий тайёргарликдан ўтдик. Русчани биров билганим устунлик бериб, дарҳол ефрейтор бўлдим, кичик ғуруҳга бошлиқ этиб тайинландим. Шу кичик ғуруҳимиз Латвия, Литва ва Эстониядан ўтиб, Беларусга кириб борди. У ердан Варшавага ўтдик. Сўнг Бранденбург федерал ерининг Франкфурт-Одер шаҳри бўсағасида жанг қилдик...

1945 йил 2 майда уруш тугади. Аммо биз учун тугаганида, Эмба дарёси бўйларида бўлиб, урушдан кейинги "тозалаш" жараёнида ҳам қатнашдик. Чунки Германиянинг жуда кўплаб шахару қишлоқлари бўшаб қолган, одамлар уй-жойи, мол-мулкни ташлаб, ўрмонлар ва бутазор-ботқозорларга кириб яширинганди. Уларга фашистлар бизларни ёмонлаб: "Қочинлар, энди улар сизларни омон қолдирмай, кириб ташлайди", деб кўрkitишган экан. Бизни кўриши билан бечоралар дағ-дағ титрайди, илтижолар қараб, отмаслигимизни айтиб ёлворилади. Йўқ, ҳаммасини уй-уйига қайтардик, ўнлаб болаларни ботқоқлардан қутқардик олдик. Уларнинг бир тала сочини тўқмадик.

Ушанда уруш деган манфур ҳаракатни ҳеч ким истамаслигини тушуниб ётганимиз... Оилада тўрт ўғил бўлганмиз. Иккинчи акам урушга кетиб, қайтиб келмади. Алам қиладиганим, 1945 йил 2 майда уруш тугади. Биз байрам қилаётган 5 майда эса бу ёқда бечора онам ҳаёт билан видолашган экан. Азоблар ичда фарзанд ўстириб, мени бир бағрига босолмай, армонда кетди онам шўрлик...

Биз бир қиллоқдан кетган йигитлар ўн беш киши эдик. Ҳозир Паркентнинг ўзида бир ўзим қолибман. Тошкент вилоятида эса ўн чоғли эканмиз. Бир қиллоқда ўн беш киши эди. Ҳозир уруш кўрганлар бутун вилоятда ўн беш киши чиқмапти... Аммо оқил раҳамомизга мингданминг раҳмат! Қолган қуролдошларимнинг умрини баракали қилиш учун барча савий-ҳаракатларни амалга оширяпти. Бу кунларни кўриб, одамнинг кўнгли кўтарилди, яшагиси келди... Тинч-омон кунларда елкамизга офтоб, қўксимизга шамол тегиб турганига шўрлик!

ЎЗБЕКНИНГ ЖИГАРБАНДИ, ОЗАР ЭЛИ ДИЛБАНДИ

Иккинчи жахон урушига сафарбар қилинган қарийб 2 миллион нафар ўзбекистонликларнинг 500 мингдан зиёди жангларда ҳалок бўлди. 200 минг нафарга яқинининг тақдирини "бебарак йўқолган" тамғаси қўйилди. Қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлган 300 нафардан зиёд ўзбекистонликлар орасида ўзбек ва озар фарзанди Бекир Дурсун ўғли Мустафоев ҳам бор эди.

У Гуржистоннинг Туркия билан чегарадош Месхетия ўлкасидан, Ахалцих тумани Глазар қишлоғидан урушга сафарбар қилинган. 1941-1942 йилларда Иркутскда урушга тайёргарлик кўради. 1942 йил мартдан Жанубий фронтда 30-ўқин дивизия таркибида Шимолги Кавказ, Крым ва Украина ҳудудларида бўлган жангларда иштирок этади. 1943 йил ноябрда у Керчь ярим оролин озода қилишда тинимсиз ўқ ёғдириб турган душман дзотини граната билан портлатади ҳамда қўл жангига киришиб, бир ўзи битта зобит, учта фрици яқон қилади. Оғир жараҳат олганига қарамай, пулемёт билан душманнинг 40 нафар аскарини кириб ташлайди.



Ана шу тенгсиз олишувларда жараҳатланган Бекир Мустафоевни жанг майдонидан тўппа-тўғри госпиталга жўнатишади. Қўрсатган жасорати учун қаҳрамонлик унвони билан тақдирланганини у шу ерда эшитишади. Шахсан дивизия кўмондони госпиталга келиб унга унвонни ўз қўли билан топширади. Жараҳатлари тўзалган, Бекир Мустафоев Фарбий Украина ва Польша учун жангларда қатнашади, озода қилинган аҳоли пунктларидаги вайрон бўлган кўприкларни қайта тиклашда фаол иштирок этади. Фалабани Прагада қутиб олган Бекир Мустафоев шундан кейин она юрти — Глазар қишлоғига қайтади...

Иккинчи жахон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийлари, шунингдек, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хотираси эъзозланиб, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатиляпти.

Мазкур қарор мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини яна бир бор тасдиқлайди. Зеро, бугун тинч ва осийшта ҳаёт кечириётган бўлсак, бу — аввало, юрт озодлиги ва инсон эрки учун курашган, фронт ортида машаққатли меҳнат қилган ота-боболаримиз, юртдошларимизнинг беҳиёс жасорати ва фидойилиги самараси.

Қуйида уруш олови ичда тобланган, қиргинбарот жангларда Ватан шайнини ҳимоя қилган қаҳрамонларимиз, уларнинг яқинлари, ўша суронли даврда халқимиздан меҳр-оқибат кўрган инсонларнинг хотиралари, фикр-мулоҳазалари билан танишасиз. Зеро, уларнинг машаққатли ҳаёт йўли, сабр-матонати, Ватанга садоқати бугунги ва келажак авлод учун юксак ибрат мактабидир.

Ҳозир уларнинг ақсарияти табарруқ ёшга етган. Кексалик ва уруш асоратлари тўғрисида кўпчиликнинг мустақил ҳаракатлини қийин. Ана шундай паллада улар ҳолидан хабар олиш, кўнглини кўтариш, эгилган қадрга суняч, кўзига нур бўлиш — нафақат фарзандлик, балки юксак инсоний бурчимиз. Чунки миллатнинг улугворлиги, аввало, ўз қаҳрамонларини қанчалик қадрлаши билан ўлчанади.

Тинчлик — буюк неъмат

Рўзибой САТТОРОВ,
Иккинчи жахон уруши қатнашчиси
(Камашчи тумани):

— Қашқадарё вилоятидан 47 минг 70 нафар киши урушга сафарбар этилганди. Улардан 17 минг 424 нафари жангларда ҳалок бўлган, 9521 нафари бебарак кетган. Йигирма мингдан ортик жангчилар оиласи бағрига қайтганди. Аммо вақт — оқар дарё. Бу дарёда қанча-қанча умрлар оқиб кетди. Аини пайтда вилоятда Шаҳрисабз шаҳрининг Файзобод маҳалласида яшовчи Омон Бобоев ва мен қолибмиз. Шўкр.



1941 йилнинг сентябрь ойи бошларида 354-гвардиячи ўқини полки аскарлари сафида жангга кирганим. Урушнинг дахшатини сўз билан таърифлаб беролмайман. Ҳар дақиқа ўлим билан юзма-юз келиш, ҳозир ёнингда турган сафдошларимдан бир неча сониялар ичда айрилиш мумкин. Жангларда кўплаб дўстларим, сафдошларимни йўқотдим. Улар орасида турли миллат вакиллари бор эди. Ўзим ҳам кўп мартаба оғир жараҳатлар олиб, тузалишим билан яна жангга қайтавердим.

Ҳалабадан сўнг ҳам бир йил давомида уруш бўлган ҳудудларда халқ ҳўжжалигини тиклаш ишларида фаол қатнашиб, 1946 йилда жонжон қишлоғимга қайтиб келдим. Йиллар давомида турли соҳаларда ҳалол меҳнат қилдим.

Бугун фарзандлар, неварра-чеваралар ардоғидаман. Уларга уруш хотиралари билан бирга тинчликнинг нақадар буюк неъмат экани, уни асраш учун ҳар бир инсон ҳаракат қилмоғи кераклигини ўқитиб чарчамайман.

Эъзоз-эҳтиром умримизга умр қўшмоқда

Шоҳимардон ҲАМРОЕВ,
Иккинчи жахон уруши қатнашчиси
(Бойсун тумани):

— Билагим кучга тўлган ёшлик йилларим инсоният тарихидаги энг қиргинбарот урушга тўғри келди. У суронли йилларда Латвия, Литва, Эстония каби давлатларни душмандан озода қилишга ўз хиссамни қўшдим. Жангу жалларда душманга қақшатқич зарбалар бердим. Ўқлар ёмғирдан омон қолдим.

Фронтдан қайтган мактабда 40 йил ўқитувчилик қилдим. "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси" нишони билан тақдирландим. Оилада турмуш ўртоғим билан бирга 11 фарзандни улғайтирдик. Б у г у н 48 неварра, 70 чевара ва 7 эваларини тарбияладим. Шу маънода, пиру бадавлат инсонман.



Аини кунларда хонадонимиз доимидек яна гавжум. Кўпчилик йўқлаб келишмоқда. Бу ҳам юртимизда меҳр-оқибат, тинчлик-тотувлик бардавломлигидан нишон.

дошларимиз ногирон бўлиб қолди. Менинг ҳам танамда қолди ўқининг излари қолган.

Урушдан кейинги турмушимиз ҳам энгил кечгани йўқ. Кўп оғир синовларни бошимиздан ўтказдик. Очарчилик, йўқчиликларни энгилб ўтдик. Яратганга шўкр, мана, ёшим бир жойга етганида тўқин, осуда ҳаётни ҳам кўрялман. Президентимизнинг биз, кексаларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликларини танамга куч-қувват бераётди. Шу боис ҳар тонг уйгонганимда мамлакатимизга тинчлик, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларга бардавломлик тилайман.

«Бобомдек бўлсам дейман»

Эъзоза АРҒИНБОЕВА
(Гулистон тумани):

— Оила аъзоларимиз билан Арғинбой бобомни доим фахр билан хотирлаймиз. У Иккинчи жахон урушида иштирок этган, ҳаётининг оғир синовларини бошидан ўтказган, лекин ҳеч қачон таслим бўлмаган мард инсон эди.



Бобом урушдан ярадор бўлиб қайтган. У киши бошидан кечирган оғир кунлар, жараҳатларига қарамай ҳаётга ишончини йўқотмаган. Аксинча, янада матонатли ва сабрли бўлиб қолган. Жасорати ва фидойилиги эътибордан четда қолмаган бобом кўплаб медаллар билан мукофотланган.

Даданимнинг айтишича, бобом нафақат жанг майдони, балки тинч ҳаётда ҳам ҳақиқий қаҳрамон эди. Қаерда ишламасин, ҳар доим зиммасидаги вазифани сийқидилдан бажариб, барчага ўрнак бўлган ва фидойилик кўрсатган. Ун нафар фарзандларини набиралирига намунали тарбия берган. Унинг ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги биз учун ибрат. Шу боис бобомдек жасоратли инсон бўлсам дейман.

Бобом уруш йилларини кўп эсларди, лекин бу хотираларини ғам билан эмас, балки бизга сабоқ бўлиш учун гагириб беради. У ҳар доим шундай дерди: "Энг қатта куч — бу инсоннинг иродаси ва виждони". Шу сўзлар қалбимга чўқур ўрнашиб қолган.

Бобом Ватанимиз мустақиллиги ва дориланом замонни кўриб, шўкроналар айтиб, 2011 йилда 90 ёшида оламдан ўтди. Гарчи бугун орамизда бўлмаса ҳам, уларнинг қилган ишлари ва ўғитлари юрагимизда яшайди.

«Халқ сўзи».

«МЕНИНГ ҚАЙТА ТУФИЛГАН КУНИМ»

Азим пойтахтимизнинг Сағбон маҳалласида дунёга келган, уруш ва меҳнат фахрийси, тилшунос олим Анвар Шомақсудов эл ардоғидаги инсонлардан бири эди. У ўн саккиз ёшга қадам қўяр-қўймаз ҳарбий хизматга қақирилди. Туркманистондаги ҳарбий қисмда қисқа муддатли тайёргарликдан кейин Воронеж ўрмонларида жойлашган сағбонга келиб қўшилди, ҳарбий тўпчи сифатида хизматни давом эттирди. Жанг-гоҳларда жасорат кўрсатиб, Украина, Руминия, Болгария, Чехословакия (ҳозирги Чехия ва Словакия), Венгрия, Австрияни фашистлардан озода қилишда қатнашди. Вена шаҳридаги жангда оғир ярадор бўлиб, бир кўлидан ажралди.



Иккинчи жахон уруши жангларидан ногирон бўлиб Тошкентга қайтган, Урта Осиё давлат университетига (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тахсил олди. Сўнг шу даргоҳда ярим асрдан ортик ўзбек филологияси ҳамда журналистика факультетларининг декани лавозимига хизмат қилди. Филология фанлари номзоди, доцент, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" унвонига сазовор бўлди.

Журналистика факультетининг ташкил топиши ва такомиллашувида, ўзбек услубияти илмининг шаклланиши ва ривожланишида Анвар Шомақсудовнинг салмоқли хиссаси бор. Домла журналистика факультетига раҳбарлик қилган йилларида унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари, Журналистлар уюшмаси, турдош факультет, кафедралар билан мустаҳкам илмий алоқалар ўрнатилди.

Утган асрнинг 70 — 80 йилларида Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари учун юқори малакали журналистлар тайёрлаш борасида диққатга сазовор ишлар қилинди. Давр талабига жавоб берадиган қатор ўқув қўлланмалари, дарсликлар, монографиялар яратилди. Факультет ўқув газетаси мунтазам чиқиб турди. Қатор ўқув радиостанциялари, телевизион кўрсатувлар тайёрланди. Университетнинг танили, илмий мактаб яратган йигирмага яқин академик, профессорлар ҳақида ҳўжжати фильмлар яратилди.

Уша даврда ТошДунинг журналистика факультетида нафақат Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистондан, балки Африка, Хиндистон ва Араб давлатларидан келган аспирант ва талабалар тахсил олишарди. Хорижий талабалар факультетда ўтган олтин даврини ҳали ҳам эслаб юрган бўлсалар ажаб эмас.

Домланинг узоқ йиллар ўзбек филологияси ҳамда журналистика факультетларида деканлик лавозимига ишлаган кезлари юзлаб халқимиз ардоғидаги шoir ва ёзувчилар, фан ва санъат арбоблари, олим-публицистлар, машҳур журналистлар етишиб чиқди. Мамлакатимизнинг нуфузли идораларида фаолият олиб бораётган собиқ талабалар меҳри қайноқ устозлари билан куюқ сўраишш баробарида фахрлиниб юришларини тез-тез такрорлаб турарди.

Уруш ҳеч қачон қурбонсиз ёки талафотсиз бўлмаган. Анвар Шомақсудов 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини "Менинг қайта туғилган куним", дер эди. Шу кун устоз ҳовлисига одам сигмай кетарди. Иккинчи жахон муҳорабасида фашизмга қарши кураш олиб борган устозимиз ўнг қўлидан ажралганидан сўнг чап қўлда ёзишни машқ қила бошлади. Кейинчалик домла чап қўлда ёзилган қатор дарслик ва қўлланмалардан ташқари "Дилдан тилга кўнган қиссалар", "Оловли йиллар хотираси", "Югурик умрда кўрган, билганларим", "Аср билан тенглашайтган умр", "Умр шўкронаси" сингари бири-биридан гўзал китоблар чиқаришга миясари бўлди.

Жорий йилда фидойи олимнинг таваллудига 100 йил тўлади. Ҳар сафар янги бир мақолага сўнги нуқтани қўяётганимизда, у кишининг бизга берган сабоқлари беихтиёр ёдимизга тушади. Стол устида турган устознинг асарларини варақлайман. Дилум ёришиб кетади.

Азамат СУЙОНОВ
Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси аъзоси.



жон тарихи", тарихчи И. Исмоиловнинг "Озарбайжонликларнинг Иккинчи жахон урушида иштироки" китобларида, Озарбайжон совет энциклопедиясида, "Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари — Озарбайжон ўғлонлари" номли китобда Бекир Мустафоев ҳаёти ва унинг жанг майдонларида кўрсатган жа-

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
«Халқ сўзи».

Энди давлат объектларини фойдаланишга қабул қилишда талаб этиладиган ҳужжатлар сони 3 тадан 1 тага қисқартирилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буғурта Г — 542. 23 209 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатда маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлхатлар тақрир қилинмайди ва малафига қайтарилмайди.

Газетанинг муаллиф берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер терминал ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик ҳижатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Набатчи муҳаррир — А. Алиқудов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 04.10 Топширилди — 04.40 1 2 3 4 5 6